



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 16 июль, № 149 (7651)

Пайшанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



**Ишончим комил, ҳар бир ишни етти марта ўйлаб, чидам ва матонат билан амалга ошириб келган эл-юртимиз бугунги синовлардан муносиб ўтиб, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ ҲАМДА МАСЪУЛЛАРНИ ОҒОҲЛАНТИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Коронавирус касаллиги юртимизга кириб келганидан бери давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олиб, деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага тўхталиб ўтмоқда. 14 июлда бўлиб ўтган селекторда ҳам жойларда бу борадаги ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилган эди. Уларнинг ҳозирги мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмаётгани, хавфни тушуниб етмаётгани аёнлашди.

— Айниқса, пойтахт ва Тошкент вилоятида ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари ишониб топширилган ҳудудлардаги ҳақиқий аҳоли ўрнаниши, — деди бу галги йиғилишда давлатимиз раҳбари. — Тиббиёт муассасаларидаги реал вазиятни билмайди. Аҳолини вирусдан оғоҳлантириш ва сақлаш, касалларни ўз вақтида ва тўғри даволаш учун масъулиятни ҳис қилмаган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам, кейинги бир ойда коронавирусни даволаш стратегияси ва тактикаси кескин бузилган, реал ҳолат-

дан келиб чиқиб, даволаш амалиёти ўзгартирилмаган.

Тошкент шаҳрида касалликни аниқлайдиган тестлар ва зарур тиббиёт воситалари етишмаяпти. Дорихоналарда вирус ва иситмага қарши препаратлар нархи асоссиз бир неча баробар ошириб юборилган, бу эса аҳоли орасида қўллаб эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда Тошкент шаҳри шифохоналарида 418 та, Тошкент вилоятида эса 816 та штат бирликлари бўш тургани вазирилик ва ҳокимият томонидан жорий вазият ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан далолат беради.

Йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли коронавирус ва бошқа касалликлар буйича қаерга бориб мурожаат қилиши ва даволаниши билмай, сарсон бўлмоқда. Шошилинч тиббий ёрдамга қўнғироқ қилиб тушиш қийинлашиб кетган.

Вирус юқтирилган сони пойтахтда 4 минг 92 тани ва Тошкент вилоятида 1 минг 498 тани ташкил этмоқда. Бу бутун мамлакат бўйича касалларнинг 40 фоизи деганидир. Тошкент шаҳрида коронавирусдан ўлим сони ҳам кескин кўпайиб, 45 тага етган.

Президент бундай ачинарли ҳолатлар аҳолининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Коронавирус тарқалишининг олдини олиш ва даволаш бўйича Тошкент шаҳридаги ишларни талаб даражасида ташкил этмагани, эпидемиологик вазиятнинг салбий ўзгаришларига тайёр бўлиши таъминламагани, бу касаллик билан "пастга тушиб" мукамал шуғулланмагани учун соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаевга ҳайфсан эълон қилинди. Шаҳар ва вилоятнинг барча сектор раҳбарлари жиддий оғоҳлантирилди.

Республика махсус комиссиясига бу икки ҳудудда коронавирус тарқалишига қарши кураш ва аҳолини даволаш ишларига алоқадор барча вазирилик ва идоралар, йирик тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат 24 соат ишлайдиган штатлар ташкил қилиш кўрсатмаси берилди. Ушбу штатлар вазиятни реал вақт режимда назорат қилиб, юзга келаятган муаммоларни тезкор ҳал этиш чоралари кўради.

Шунингдек, пойтахт ва Тошкент вилоятидаги поликлиникалар ҳузурида-

ги мобиль гуруҳлар сонини уч баробар кўпайтириш вазифаси юклатилди.

Зангиота туманида яқинда иш бошлаган шифохонадаги жой сонини яна 1000 ўринга кўпайтириш топшириги берилди.

Пойтахтимизда дори-дармон етказилиши ва нархи барқарорлигини таъминлаш, шошилинч тиббий ёрдам хизмати ва колл-центрлар ишини самарали ташкил этиш, COVID-19 билан ишлаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, касаллар учун қўшимча ўринлар ташкил этиш, шунингдек, карантин ҳудудларидаги шахсларни уй карантинига босқичма-босқич ўтказиш масалалари кўриб чиқилиди, зарур чоралар белгиланди.

Аҳолидан мурожаатлар сони кескин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, колл-центрлар алоқа воситалари ва операторлари сонини камида икки баробарга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига камида 3 ойлик дори-дармон ва химю воситалари захирасини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги синовли вазиятда кундалик эҳтиёж моллари ва зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўли-

ши, нархлари асоссиз ошиб кетмаслиги жуда муҳим. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга бу масалани қатъий назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Пандемияга қарши курашиш, карантин қоидаларига амал қилиш, ижтимоий масофани сақлашнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу борада қилинаётган кундалик ишларни ҳолис ва тезкор ёритиш муҳимлиги таъкидланди.

Коронавирус касаллигини даволаш билан боғлиқ барча жараёнларга, жумладан, Тошкент шаҳридаги ишларга масъуллар бириктирилди.

— Яна бир бор таъкидлайман. Айни пайтда бутун дунё, шу жумладан, биз ҳам кўринмас душман билан чин маънода уруш олиб бораёмиз. Бу вируснинг барча хавф ва хатарини тўғри баҳолаб, ҳар томонлама тайёр-гарлик кўриб курашсак, уни албатта енгмасан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ў.А.

## ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ҲАМДА УЛАРНИ ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшлар ва хотин-қизларни касбий ўқитишда янги тизим яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.



Хусусан:

- жорий йил охиригача маҳаллаларда **136 та** касб-хунарга ўқитиш маскани, қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари ташкил этилади;
- 31 та** касб-хунарга ўқитиш маркази жиҳозланади;
- меҳнат бозорида ишчи касбларга реал эҳтиёжларни ҳар бир тармоқ ва соҳа кесимида аниқлаш механизми йўлга қўйилади;
- эҳтиёж юқори бўлган **20 та** ишчи касб ажратиб олиниб, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитиш дастури ишлаб чиқилади;
- 339 та** касб-хунарга мактабининг камида 100 тасига малакали мутахассислар жалб қилиниб, ўқитишни ташкил эта оладиган ташаббускорлар бошқарувига берилади;
- 5 минг нафар ёш** замонавий агротехнологиялар бўйича ўқитилади;
- 33 минг 380 нафар аёлни** ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курслари ташкил этилади;
- Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари орқали аёлларнинг энг яхши лойиҳаларини аниқлаб, улар учун кичик грантлар ажратилади;
- тўқимачилик корхоналарига касаначилик асосида маҳсулот етказиб берувчи аёлларга тикув машинаси олиш учун қулай шартларда кредит ажратиш тизими йўлга қўйилади;
- Ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка ўқитиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан **2 млн. доллар** кредит ажратилади.

## Олий Мажлис Сенати

### МИЛЛИЙ ИХТИЁРИЙ ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Шу йилнинг 7 — 16 июль кунлари БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича миллий ихтиёрий ҳисоботи тақдимотини эшитишга бағишланган форум бўлиб ўтаётгани ҳақида хабар берилган эди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ушбу форумда видеоконференцалоқа тизими орқали қатнашди.

“Ҳаракатларни жадаллаштириш ва йўлларни ўзгартириш” мавзусида ўтказилаётган форумда 49 та давлат ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган. Улар орасида илк бор Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий ихтиёрий ҳисоботини тақдим этди.

Ҳисоботда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар соҳаларда эришган муваффақиятлари борасида сўз юритилди. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар, бу борада Ўзбеки-

тонда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси ўз сўзида юртимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келадиган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани ва уларга эришиш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши эканини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, давлат бошқарувида парламентнинг роли ошгани ва барқарор ривожланиш соҳасида мониторинг ҳамда ёрдам борасида Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси томонидан фаол иш олиб борилаётгани айтилди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### ФРАКЦИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ?

Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимиздаги эпидемиологик вазиятга тўхталиб, пандемияни жилволаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш бўйича қилиниши зарур ҳамда шарт бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган йиғилишларида ушбу масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида коронавирус пандемияси даврида иқтисодий тармоқларни босқичма-босқич ишлаштириш учун барча имконият ишга солинаёт-

гани туфайли бу жабҳаларда фаоллик тикланаётгани қайд этилди. Хусусан, эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиб, ҳудудларни “яшил”, “сарик” ва “қизил” зоналарга ажратган ҳолда, юз мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига руҳсат берилди, 600 мингдан зиёд ходимлар иш жойига қайтди.

Фракция аъзолари бу йилдан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи дунё микросида ҳал қилувчи ўринга чиқиши, шунинг учун мамлакатимизда доимо уч ойлик озиқ-овқат захираси бўлиши лозим,



деган мезонда яқдиллик билдирди. Уларнинг фикрича, ушбу жараёнда далаларда фидокорона меҳнат қилаётган миришкор фермер ва деҳқонлар, соҳибкор боғбонлар, томорка ер эгаларининг меҳнатлари таҳсинга сазовор.

Йиғилишда Президентимизнинг шу йил май ойидаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навабатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мурожаат қилиш бўйича кўрсатилди.



## Муносабат

### ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШЛИ, ДАРОМАДЛИ БЎЛСА, ОИЛАЛАРДА ТЎКИСЛИК, МАМЛАКАТДА ТАРАҚҚИЁТ БАРҚАРОР БЎЛАДИ



Коронавирус пандемияси натижасида дунёнинг деярли барча мамлакатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар вуқудга келди. Ўрнатилган карантин туфайли бугунги кунда ишлаб чиқариш сусайиб, ишчилар сони мунтазам ортиб бормоқда. Жаҳонда содир бўлаётган бундай вазият Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмаётган. Ана шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 14 июль

куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айни шу масалалар муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишсизларнинг 732 минг нафари ёшлар, 834 минг нафари хотин-қизлардир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, бу борада алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди. Берилган топшириқлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.



Муҳим ғоя ва ташаббуслар барчамизни эзгу мақсадлар сари интилишга ундайди

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган йўналишларга тўхтади. Энг аввало, жорий йилда умумтаълим мактабларининг 452 минг битирувчисини ўқишга ва ишга жалб этиш масалалари кўриб чиқилди. Уларнинг 70 минг нафари олий таълим, 85 минг-

таси профессионал таълимга кирилади. 95 минг нафардан зиёди ишга жойлашган тақдирда ҳам яна 200 мингга яқин ёшлар бандлигини таъминлаш зарур бўлади. Шундан келиб чиқиб, мактабданок касбга ўқитиш тизими жорий этилади. Келгуси ўқув йилидан бошлаб мактаб директори ва ўқитувчиларга ўқувчиларнинг олий таълимга кириши, касб эгаллаб, ўз ишини топшириб беришига қараб оширилган иш ҳақи тўланадиган бўлди.



«Юқоридан пастга ва пастдан юқорига» тамойили асосида ижро механизмнинг тўлиқ ишлаши таъминланади

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори:

— Йиғилишда юртимизда ёшлар соҳасидаги муаммоларга натижадор ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган Ёшлар ишлари агентлигига ҳам қатор вазифалар юкланди.

Йигит-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-хунарга, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига қўллашнинг бу борадаги асосий йўналишларидир.



УЙДА ҚОЛИНГ!



Нигох

Пойтахтимизнинг қоқ марказида барпо қилинган Адиллар хиёбонини кезар экансиз, ҳар бир сиймо ижоднинг ажиб паллалари билан бирга маълум даврлардан, қисматлардан ҳикоя қилаётганга ўхшайди.



УЛУҒ БОЙЛИГИМИЗ, ТЕНГСИЗ ХАЗИНАМИЗ

"Шуур ёшига қадам қўйилганда Ҳақ субҳона ва таоло таъбибига фароғиботлар сари майлини зотий, диққат ва заҳматшарикка жасоратни тугма қилгани учун мушоҳада ва мулоҳаза мени туркий тилга йўлади: шундай зеб-зийнатли бир олам кўз олдидан намойиш бўлдики, ўн сазкиз минг оламдан ортиқ ва таъбибига шундай фазлу юксаклик осмон табақаси очилдики, тўққиз фалакдан ортиқ ҳамда бир хазина учрадики, дурлари юлдуз гавҳарларидан ҳам ёрроқроқ, бир гулшан йўлидики: гуллари осмон сайёраларидан порлоқроқ, маскани атроф-теварати эл оёғи етмакдан фориғ ва фароғибот нарзалари беғона қўллар дахлидан омонда..."

ласиз. "Ўз юртим қўйиб Ҳинд сори юзландим, Е Раб, нетайин, бу не юз қаролик бўлди", каби мисраларни битиш учун қандай улкан қалб, қандай кучли соғинч керак?! Элимиз орасидан мана шундай шарафли, ҳар қим ҳавас қилса арзигулик кўплаб сиймолар етишиб чиққан. Мухаммадризо Огаҳий юрт шаънини, инсонийлик васфини қўйлаган бўлса, Ватаним деб жондан кенган Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий... барчаси сўзлаётгандек, асрлар оша она юрт болаларига яшаш мазмун-моҳиятидан, шон-шараф не эканидан ўғит бераётгандек.

Ёки барча бирдек ёд биладиган Ҳамид Олимжоннинг мана бу ажайиб лирик шеърдаги тоза туйғуни кўринг: Ҳаёлимда бўлдинг узун кун, Сени излаб қирғоққа бордим. Маст тўққинлар пишқирган тунда, Топиб бер деб оёга ёлвордим...

Ўлмас шеърлари билан бир қаторда, ўз қиссаларида бундан юз йил аввалги ўзбек ҳаётини батақор тасвирлаган академик Фафур Гулом, қорақалпоқ халқининг шаънини улуғлаган Бердак, "Ўзбегим" шеъри биланок номи абадиятга муҳрланган устоз Эркин Воҳидов, "Ўзбекистон — Ватаним ма"

қийинчиликлар, машаққатлардан ҳам ҳикоя қилади. Шунингдек, таширғиб буюрғувчиларга, хусусан, ёшларга ватанпарварлик, фидойилик тимсолларини ҳам ҳаяда этади.

Бу азиз масканнинг яна бир теран мазмуни ҳам бор. Эл-юрт учун хизмат қилган кишилар мана шундай эҳтиромга сазовор бўлар экан-да? Юрти, Ватани уни шундай шарафлар экан-да? Бундай ўйлар хиёбонга келган ҳар бир кишининг кўнглидан ўтиши, шубҳасиз. Чунки бу иззат, бу шараф ўз халқи учун ёниб-қуйган фидойи кишиларга насиб қилади.

Адиллар хиёбонининг интернет портали ва интерфал музэй эса ҳар бир адиб қошига келган киши унинг ҳаёти ҳамда ижоди, орзу ва армонлари акс этган асарларидан парча тинглаши, умри моҳиятидан ҳабардор бўлишига ёрдам беради. Бундай улғ, бундай кўркем хиёбонни, бадийий сўзга, она тили ҳамда адабиётига эҳтиромни дунёга кўз-кўз қилса арзийди. Мама-латимиз аҳолиси, хориждаги барча эл-қичона ва ваколатхоналаримизда, олий ўқув даргоҳларида, ўзбек тили ҳамда адабиётга қизиқувчи чет элликларда, "Ўзбек тили дўстлари клублари" да яна бир қулай имконияти — Адиллар хиёбони-нига виртуал саёҳат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсаткич. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз.

Адиллар хиёбонини тарихни ва бугунги ўзида бирлаштирган, мазмунан келажакка йўналган маърифат маскани, десак, сира муҳолага бўлмайди. Ахир илгари бор ерда санокчи адилларимизнинг ҳайкали бор эди, холос, Гўёки Алишер Навоийдан сўнг истаб-додли шоирлар етишиб чиқмагандай таассурот пайдо бўларди. Шу боис Адиллар хиёбонини гоёвий-бадийий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огаҳий, Бердак, Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари атоқли намоёндалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди. Ҳазрат Навоий бобомизнинг мухташам ҳайкали атрофда йиғирмадан зиёда атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит мейморий ҳамда бадийий композицияда, мангикий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюмаси учун янги мухташам бино ва Тошкент шаҳри музэйи барпо қилинган ҳамонанглик касб этди.

Мисол учун, улғ адиб Ойбек яратган асарлар халқимиз хазинасидан муносиб ўрин олган "Қўтулғ қон", "Қуёш қораймас", "Навоий", "Бололик" асарларини юзлаб шеърларини айтгин.

Ўзини ўзи банд қилишнинг фойдаси катта

Когон шахридаги Бунёдкор маҳалласида истиқомат қилувчи Шерзод Ҳакимов — қўлигул хунарманд. Саккиз йилдирки, ёғоч ўймакорлиги билан шуғуллаНади. Аммо бирор-бир жойда расман ишламайди.

Қарор ва ижро

— Баъзан пенсия ёшига етганимда нафақа масаласи қандай бўларкин, деб ўйланиб қолардим, — дейди у. — Яқинда вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассислари келиб сўхбат ўтказишган, ўзимни қийнаётган масала ечими борлигига ишонч ҳосил қилдим. Дарҳолқ солиқ мобил иловаси орқали ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтдим. Энди эртанги кунимдан кўнглим тўқ.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган аҳоли қатламига қатор энгиллик ва имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқаролар шуғуллаши мумкин бўлган фаолият турлари кенгайиб, улар сони 67 тага етди. Илгари бун-

давий фаолият турлари 24 та эди. Демак, ушбу амалиёт орқали минглаб фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилади, уларнинг келгуиси пенсия таъминотига пойдевор қўйилади, боқимандалик кайфияти секин-аста йўқолиб, ишсизлик қисқаради. Деярли яқка тартибдаги тадбиркор мақомига тенглаштирилган ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадларини янада кўпайтириш устида излана бошлайдилар.

— Ўзини ўзи банд қилиш — бугунги кун тақозоси. Бу фаолият дунё миқёсида ўзини оқлаган, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси масъул ходими Баҳодир Файзиев. — Эндилкида ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар,

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

Қумтепада лимончилик ривожлантирилади

Андижон вилоятининг Балқичи туманидаги Қумтепа маҳалласида 44,6 гектар ер майдонидан замонавий иссиқхоналар қурилиши бошланди. Ушбу майдонда келгусида лимон етиштириш кўзда тутилган.

Интилиш

Президентимизнинг шу йил 19 февралдаги "Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани, уларга бир қатор имтиёз ва имкониятлар яратиши билан аҳамиятlidir. — Ёғдорчилик ҳамда деҳқончилик юмушларини бажаришда ерларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ниҳол ўтказиш, экинларга ишлов бериш жуда муҳим ҳисобланади, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Нейматхон Абдуллаев. — Қумтепа маҳалласи лимончиликни ривожлантириш учун кулай. Қолайроқ, ҳудудда бу борада етарли тажриба тулган.



сабзавот маҳсулотлари етиштириш, дастурхонимиз файзу баракасини таъминлаш, мазурут тармоқда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва фермерлар, томорқачиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади. Янги иш ўринлари яратилиб, ички бозорни сифатли ҳамда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотли билан таъминлаш имкони вужудга келади.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»)

Сазағон маҳалласи паррандачиликка ихтисослаштирилади

Паррандачилик етти хазинанинг бири сифатида эътироф этилади. Албатта, шароити бўлган хондонда товуқ боқилса, ўша улда ўз-ўзидан биража унади. Имкони бўлса, паррандачиликка ихтисослаштирилган қорхона бўлса, ундан ҳам яхши. Бу нафақат бир оила, балки ўша ҳудуд аҳолиси, умуман, халқимиз дастурхони тўқинлигига хизмат қилади.

«Бир маҳалла — бир маҳсулот»

Шу маънода, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туманининг 1-сектор ҳудудига кирувчи Сазағон маҳалласининг паррандачиликка ихтисослаштириш бўйича чора-тадбирлар режалаштирилган бўлиб, маҳал-

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

Таҳлил

Шундай улкан салоҳиятимиз бўла туриб, нега картошка уруғи учун валюта сарфлаймиз?



Бу йил Фарғона вилоятида галладан бўшайдиган 4,9 минг гектар ерга такрорий экин сифатида картошка экиш ҳамда 88,2 минг тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Бунинг учун 14,7 минг тонна уруғлик заруру ва унинг 3 минг тоннаси Россиядан олиб келинади. Энди ўйлаб кўринг. Шунча унумдор еримиз, деҳқончиликда бой тажрибамиз, илмий салоҳиятимиз бўла туриб, нега картошка уруғи учун валюта сарфлаймиз? Нимага ўз имкониятимизни тўлароқ ишга солмаймиз? Гоҳида бозорларимизда ушбу маҳсулотнинг нархи кўтарилиб кетса да ҳақли эътирозларни келтириб чиқаради. Ана шундай вазият юзага келиши илмий излашларнинг сустигли, амалий ҳамкорликнинг талаб даражасида йўлга қўйилмагани билан боғлиқ эмасми?

фан, инновацияга асосланмаган деҳқончилик қутилмаган тасодифлар, об-ҳаво инжиқликлари олдидан оқибат эканлигини кўрсатмоқда. Вилоятимизда аҳоли томорқалари, деҳқон хўжалиқларида энг кўп экиладиган бодиринг, помидор уруғлари ҳам, асосан, четдан келтирилади. Фарғона вилоятида биргина сабзавот экинлари уруғини харид қилиш учун валюта ҳисобидан хорижга чиқиб кетаётган маблагларнинг йиллик ҳисоб-китобини қилсак, қандай катта рақамлар келиб чиқади. Бу жуда ачинарли. Иқтисодий нуқтани назардан давлатга ортиқча "юк".

Ҳамма ўз билганича иш юритмоқда

Айни пайтда Фарғона вилоятидаги 584 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари ихтиёрида 41,3 минг гектар ер мавjud. 2020 йилда такрорий экин сифатида 3,7 минг гектар ерга картошка экиш режалаштирилган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Фарғона бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, вилоятдаги 4 та сектор ҳисобидан картошка экиш аниқ режа асосида ташкил этилган. Лекин шахсий томорқа ер эгаларида ҳам картошка уруғчилиги билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас.

Жойларда аҳвол қандай?

Жорий йилда вилоятнинг Қувасой шахрида 475 гектар ерда такрорий экин сифатида картошакдан 8550 тонна, Олтиарик ва Фарғона туманларида 425 гектардан 7650 тоннадан ҳосил олиш режалаштирилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирги кунда вилоятда фақат пахта ва ғалла соҳасида уруғчилик ишлари аниқ режа, илмий ёндашувлар асосида ташкил этиляпти, холос. Сабзавот, полиз экинлари етиштиришда уруғчилик селекцияси энг катта муаммо. Қишлоқ хўжалиғи соҳаси олимлари ўз ҳолича, миришкор томорқачилар ўз билганича ишлаб келмоқда.

қанимиз. Картошка уруғи, асосан, четдан олиб келинади. Чунки уруғчилик фаолиятини йўлга қўйиш, уруғни маълум мuddат сифатли сақлашда замонавий шароит ва тажрибамиз етарли эмас. Сўх тумани Қувасой шахри, Фарғона тумани каби картошка етиштиришда жуда ҳам қулай иқлим шароитига эга. Ҳамма гақ маҳаллий шароитда сифатли уруғ тайёрлаш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ишлов бериш, маҳсулотни ташини ҳамда сотиш сингари қўшимча тармоқлар нечоғли ривожланишига боғлиқ.

Кўрсаткичларни янада яхшилаш мумкин

Фарғона вилоятида жорий йилда галладан бўшайдиган 93,5 минг гектар ерда такрорий экинлар экиш орқали 691,3 минг тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарига, экспортга, ички истеъмол бозорига захира мақсадлари учун ажратилиш кўзда тутилган. Бу жиҳатдан ишлар самарали ташкил этилмоқда. Аҳолини нафақат картошка, балки барча турдаги қундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлқ ва улзуксиз таъминлаш аниқ режа асосида олиб бориляпти. Лекин илмий салоҳият-ни тўлқ ишга солиб, валюгани теҳш нуқтани назардан сый-ҳаракатларни янада кучайтириш мақсада мувофиқ албатта. Чунки давлатимиз томонидан илмий ишларни ривожлантириш, амалий ҳамкорликни қучайтириш учун барча шароит яратиб берилмоқда. Гақ улпардан нуғмли фойдаланишда. Шунда давлатга ҳам, аҳолига ҳам янада катта қўмақ кўрсати-лган бўлади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

# МИЛЛАТ ВА ТИЛ ТАНЛАМАЙДИГАН МЎЪЖИЗА



**Оҳанг ҳамда қалб уйғунлиги, кўз, қош, қўйинги, ҳар бир ҳаракатда яширин маъно. Гоҳида шодлик, гоҳида қайғу, баъзида бахт ва баъзида айрилиқ ифодаси. Дилларни-да сел қилгучи маҳорат. Истеъдод ҳамда ихрочининг ўзига хос услуби эса томошабинни маҳлиё этади. У ҳамма учун тушунарли, ҳиссиётларга бой, миллат ва тил танламайдиган мўъжиза...**

**Сўз халқимизнинг миллий маданиятини жаҳонга танитаётган рақс санъати ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак.**

## Санъат

### Ўзбек рақси тарихини биласизми?

Дарҳақиқат, дунёда ҳар бир элнинг турмуш тарзи, маданиятини аксантирувчи миллий рақси мавжуд. Бундай олтин қадрият ўзбекларга ҳам хос ва мосдир. Юртимизда топилган археологик топилмалар рақс бизда қадимий санъат турларидан бири бўлгани ҳақида гувоҳлик беради.

XX аср ўзбек миллий рақс санъати сахна санъати талаблари асосида қайта ишланган шаклларда, анъанавий ҳамда замонавий рақс услубларини ўзаро уйғунлаштирган ва байрамлар, маросимлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди. Элга танилган Уста Олим Комилов ҳамда Тамарахоним Фаргона, Исоҳор Оқилов Бухоро, Гавҳар Раҳимова Хоразм халқ сахна рақси мактабларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди.

Йиллар давомида бир нечта ривожланиш босқичларини босиб ўтган, ўз шакл-шамойили ва мазмунига эга ўзбек миллий рақси ўтган асрда жаҳонга танила бошлади. Бу давр Муқаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Қундуз Мирқаримова каби маҳоратли раққосларни кашф қилди. Ўзбек миллий рақс жозибаси билан кўлаб муҳлислар орттирди.

Миллий меросимиз ҳисобланган "Лазги"нинг ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритилгани ўзбек миллий рақс мактабларининг жаҳон миқёсидаги эътиборидир. Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг баҳолаш комиссияси аъзолари қадимий "Лазги" уйинининг Марказий Осиё минтақасидаги бошқа рақс турларидан ажралиб туриши, унда ўзгача руҳ ва жўшқинлик борлигини таъкидлагани эса миллий санъатимизга берилган юқори баҳодир.

2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида "Лазги" халқаро рақс фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда. Бундан кўланган мақсад ўзбек рақс санъатининг энг нодир дурдоналаридан бири бўлган "Лазги" анъаналарини сақлаш, тарғиб этиш, уни соф ҳолда келгуси авлодга етказиш, ёш ихрочиларни кўлаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига мумтоз рақс санъатимизга бўлган қизиқишларни ошириш, уни ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, унинг бадий мазмунини кенг тарғиб этишдир. Ўз навбатида, бундай маданий дипломатия халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, иходий ҳамкорлик ҳамда алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Зеро, ўзбек миллий санъати, айниқса, рақсининг инсониятга эстетик завқ, хуш кайфият бахш этиши, мамлакатимизнинг гўзал маданиятини жаҳонга ёйишда аҳамияти беқийсдир. Шундай экан, дунё санъати тамаддулида ўз ўрни ва нуфузи билан эътироф этилувчи "Лазги", "Анджон полкиси", "Тановар", "Дилхирож" каби ўзбек рақслари умрбоқийдир.

номидаги "Ўзбекракс" иходий бирлашмаси ташкил этилди. Аммо йиллар силсиласида унинг кадр-қиммати тушиб борди. Нега? Чунки соҳани ривожлантириш учун аниқ механизм яратилмаган, унинг истиқболини белгилаб берувчи режалар тузилмаган. Натижада инсонга эстетик завқ берадиган, жўшқинлик улашадиган, ўйлашга ундайдиган санъат тури дەرли тараққий этмай қолди, халқаро миқёсдаги тарғиб-отда узалишлар кузатилди.

Шуқри, кейинги йилларда мамлакатимизда маънавий, маърифат, маданият ва санъатга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Давлат раҳбарининг ўзи ушбу соҳаларда йиғилиб қолган муаммолар, аниқ ҳақиқатлар ҳақида очик-ойдин гапирди. Жамият дунёқарashi, дидини юксалтиришда муҳим роль ўйнайдиган жабҳаларда қотиб қолган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ечимлар ўртага ташланди, топшириқлар берилди.

Пировадидида ўзгариш экинлари ўзбек миллий рақси эшикларида ҳам қириб борди, унга янгилини ҳавосини бахш этди.

даргоҳи замон талабларидан анча орқада қолиб кетди. Ўқув ва амалий жараён соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида тўри ташкил этилмади, ўқув дастурлари ҳамда методикасининг мукаммал эмаслиги, дарслик ва қўланмалар етишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ҳамда иходий ходимлар салоҳияти талабга жавоб бераётганини оғриқли масала бўлиб турарди. Шу боис Президентимиз қарори билан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизда давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилди. Шу билан бирга, академия учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув биноси ҳамда талабалар тураржойи қурилиб, 2019 йил 30 августда давлатимиз раҳбари томонидан тантанали тарзда очиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда олдимизда турган вазифалар талайгина. Кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ҳамда таълимнинг ўзаро интеграциясини таъ-

**Президентимизнинг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари шу каби муаммолар ечимида аини муддао бўлди. Ҳар иккала қарорда халқимизнинг маънавий бойлиги — рақс санъатини ривожлантириш, жаҳон маданиятида тугган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, унинг янгидан-янги миллий намуналарини яратиш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.**

Бинобарин, Президентимизнинг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари шу каби муаммолар ечимида аини муддао бўлди. Ҳар иккала қарорда халқимизнинг маънавий бойлиги — рақс санъатини ривожлантириш, жаҳон маданиятида тугган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, унинг янгидан-янги миллий намуналарини яратиш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплашда мазкур қарорлар дастуриламал бўла олади. Очигини айтганда, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг маданий ҳаётимиздаги ўрни, обрў-эътибори ҳамда таъсири йўқолиш арафасида турганда. Таълим

### Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ўзгаришлар

Тарбия берадиган инсоннинг ўзи тарбияли бўлсин, дейди халқимиз. Шу боис академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини фаолияти давомида катта тажриба тўплаган, шунингдек, хорижий таълим ҳамда илмий муассасаларда малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, соҳанинг салоҳиятли етук мутахассислари орасидан шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Республикадаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларга моҳир рақс усталарини бириктириш орқали "Устоз — шогирд" тизими йўлга қўйилган.

Илгор хорижий таъриба ҳар бир соҳа тараққиётида ҳаммаи асқатган. Шунинг хисобига олган ҳолда, турдош хорижий олий таълим муассасалари, яъни Москва давлат хореография академияси, А. Я. Ваганова номидаги Рус балети академияси, Қозғистон миллий рақс академияси, Беларус давлат маданият ва санъат университети билан ҳамкорликда Хореография санъати ҳамда Санъатшунослик таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Натижада бакалаврият таълим йўналиши бўйича классик рақсни ўқитиш услубиёти, тарихий-маиший рақсни ўқитиш услубиёти, халқ сахна рақсини ўқитиш услубиёти, ме-

рос ва репертуар, жаҳон хореография санъати тарихи, бадий танқид, театр тарихи фанлари, Хореография ва хореография санъати магистратура мутахассислиги бўйича классик рақс педагогикаси, классик мерос ва репетициялик маҳорати ҳамда Санъат назарияси ва тарихи магистратура мутахассислиги бўйича драма назарияси ва режиссура, балетшунослик фанларидан назарий ҳамда амалий машғулотлар мазмуни янги маълумотлар билан бойитилди.

Кредит-модуль тизимини таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадида Қозғистон миллий рақс академияси таърибаси ўрганилди. Бугунги кунда ушбу тизимни академиямизда ҳам амалиётга жорий қилиш бўйича тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Ўқитилаётган ҳар бир фан бўйича (тиллар кесимида) ўқув-услубий материалларни такомиллаштириш, тақдиротларни тайёрлаш ҳамда хорижий адабиётларда келтирилган янгиликлар билан узвийлигини таъминлаш ва бойитишга қаратилган масалалар кўриб чиқилди. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда соҳа келажакни янада такомиллаштириш ва ёшларнинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда академияда янги Замонавий рақс бакалаврият таълим йўналиши ташкил этилиб, 2020/2021 ўқув йили учун қабул эълон қилинди.

Маданият вазирлиги тасарруфидаги барча мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактабларда, Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, маданият марказларида ҳамда мактабларда хореография йўналишидаги гуруҳларда академия профессор-ўқитувчилари, магистрлари, талабалари томонидан иходий учрашувлар ҳамда маҳорат дарслари олиб борилиши йўлга қўйилди.

Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини академия ҳамда мактаб-интернатларда амалга ошириш тартиби ва чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Хусусан, академия ҳамда мактаб-интернатларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари иходий фаолигини янада ошириш, таътил давомида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш учун Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида замон талаблари асосида 50 ўринли оромгоҳ очилди.

Бинобарин, ҳар бир соҳа равнақи ёш кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш билан бевосита боғлиқ. Рақс санъатини ривожлантириш мақсадида Президентимиз томонидан таълим тизими ҳам ислоҳ этилаётганининг боиси шунда.

### Юртимизга яна «Баҳор» қайтди...

Барчамизга аён, Муқаррама Турғунбоева тимсолида ўзбек рақс санъатининг бутун жилоси ва жозибаси мужассам. У "Баҳор" рақс ансамблини ташкил қилиб, ўзбек рақсларининг саҳнага олиб чиқилишига ўз хиссасини қўшган. Айтиб ўтиш жоиз, ансамбль нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машҳур бўлган. Бадий жамоа 30 йиллик фаолияти давомида миллий рақс санъати ривожига ўнмас из қолдирди. Бирок мустақилликнинг илк йилларида "Баҳор"нинг иходий фаолияти тўхтаб қолди. Очигини айтиш керак, бу билан рақс санъатимизнинг мумтоз мактаблари қамрови ҳам қамайиб борди. Уни келажакка етказиб берувчи кўприк узилди. Гўёки "Баҳор" билан бирга кўп асрлик бой ва бетакор маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳам йўқликка маҳкум бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса ўзбек рақс санъатига ҳақиқий маънода ҳаёт бахш этди. Қарор билан миллий рақснинг турли йўналиш ҳамда намуналари, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш, бу борадаги таълим-тарбия ишларини кучайтириш белгиланди.

Миллий рақс санъатида профессионал бадий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, иходий лабораторияларни ташкил этиш, шу билан бирга, ўзбек рақс санъатининг "олтин фонди"ни яратиш мақсадида Муқаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" бадий жамоасининг қайтадан ташкил этилиши, чин маънода, ўзбек рақсига баҳорни қайтарди.

Академиямизда улғуф санъаткорларимиз бошлаб берган анъаналарни сақлаб қолиш, давом эттириш ва янада ривожлантириш энг муҳим вазифалардан биридир. Фаолиятимиз жараёнида вақт синовидан ўтган, халқимизнинг юрагидан чуқур жой олган "Баҳор" бадий жамоасининг эзгу анъаналарига суянамыз. Зотан, ишончли пойдевор устига тикланган бино мустаҳкам бўлади.

### Шухрат ТОХТАСИМОВ, Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори.

# МАРД ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида жорий йил мuddати ҳарбий хизматни Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинларида ўташ учун келган минг нафарга яқин ёшларнинг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

## Ватан муқаддасдир

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими вакиллари қатнашди.


Тантанали марш садолари остида майдонга жанговар байроқ олиб кирилди.

Шундан сўнг янги қақирилган мuddатли ҳарбий хизматчилар карантин қондилари ва тартибларига қатъий риоя этган ҳолда, она юртимиз сарҳадларини, халқимиз тинчлиги ҳамда оқсоғилларини сўнгги нафаси қолгунча ҳимоя қилишга ваъда бериб, "Ватанга қасамёд" матни бўйича содиқликка онт ичиди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мадҳиялари янради.

Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонини, полковник Фарҳоджон Шерматов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги аскарларга йўллаган таъриблик ўқитиш маркази раҳбарини, полковник Куролли Қўчалар сафига келган мuddатли ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган қурол билан кўргазмалик саф ва кўл жангининг мураккаб элементларидан иборат бўлган чиқишлар, ўқотар қуролларни кўзи боғлиқ ҳолда нотўлиқ қисмларга ажратиш ҳамда йиғиш бўйича машқлар намоиш қилди.

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказининг ҳарбий оркестри жамоаси томонидан ижро этилган миллий кўл ҳамда қўшиқлар тантанга байрамона руҳ бағишлади.



Маросим давомида яқиндагина Қўролли Қўчалар сафига келган мuddатли ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган қурол билан кўргазмалик саф ва кўл жангининг мураккаб элементларидан иборат бўлган чиқишлар, ўқотар қуролларни кўзи боғлиқ ҳолда нотўлиқ қисмларга ажратиш ҳамда йиғиш бўйича машқлар намоиш қилди.

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказининг ҳарбий оркестри жамоаси томонидан ижро этилган миллий кўл ҳамда қўшиқлар тантанга байрамона руҳ бағишлади.



Темур НАРЗИЕВ.

**ИПАК ЙЎЛИ БАНКИ**

**«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки**

автоматлаштирилган депозит машинкалари,  
вакуумли қадоқлаш машинкалари,  
пул омборларини ёпиш-очишда замонавий технологиялардан фойдаланадиган (юз, бармоқ изи, кўз гавҳари ва ҳ.к.) асбоб-ускуналар етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид хужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:  
**100017, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй.**

Танлов хужжатларини қабул қилишнинг сўнгги вақти — **2020 йил 20 июль соат 18.00 гача.**

Мурожаат учун телефон: **78-140-69-00 (ички: 1234).**

E-mail: **sh.rahmedov@ipakylulibank.uz**

**Масъул ходим: Шукрулло Раҳмедов.**

Республика Маънавият ва маърифат маркази жамоаси "Маънавият" нашриёти директори  
**Ҳахрамон МАҲКАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таъриҳията келган қўлабмақал таъриҳ қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.

Газетанинг таъриҳ қилиниш учун обунани расмийлаштириш таъқиқлот жавобгар.

Газета таъриҳ қилиш марказида терриди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.15 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6